# Тошкент оқшоми

2006 ЙИЛ, 12 ИЮНЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 111 (10.668)

Баҳоси эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## 2006 ЙИЛНИНГ 1 ИЮЛИДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи - ойига 10800 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 21395 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 10800 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 21395 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 12960 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 сентябрдаги ПФ- 3659-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2006 йил 1 июлдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2006 йил 9 июнь*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**АВВАЛ ХАБАР БЕРИЛГАНИДЕК 2006 ЙИЛ 9 ИЮНЬ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЧИЛДИ.**

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кун тартибига мувофиқ ялпи мажлис иши Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган қонунларни муҳокама қилишдан бошланди.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 8, 71-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонунни қабул қилиш мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлиши таъкидлаб тўтилди. Қабул қилинган қонунга мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиққа тортиш тизимига ўтиш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига киритилган ўзгартишлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясини, шунингдек унинг таркибига кирадиган корхона ва ташкилотларни қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилади. Бу ҳол мустақил телерадиоэшиттириш каналларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш билан, уларга ҳуқуқий ва иқтисодий мустақиллик бериш зарурлиги, шунингдек бу соҳада ижодий рақобат муҳитини шакллантириш учун шароит яратиш зарурлиги билан боғлиқ. Муҳокамадан кейин Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг юқори палата аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторлар муҳокама жараёнида ушбу қонун шаҳарсозлик соҳасини, энг аввало шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, шунингдек шаҳарсозликка доир ҳужжатларни тайёрлаш масалаларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилганлигини таъкидладилар. Қонун шаҳарсозлик фаолиятини молиялаш манбалари рўйхатини давлат корхоналарини хусусийлаштириш натижасида олинадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобига кенгайтиради, мамлакатимизда шаҳарсозлик соҳасида бошқарув тизимини анча тартибга солади. Қонун ҳар томонлама муҳокама қилинганидан кейин сенаторлар уни маъқуллладилар.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилган вақтларида киритилган ҳуқуқий нормалар порнографик маҳсулотни ёки миллий, ирқий, диний адоватни тарғиб қиладиган материалларни тайёрланлик, тарқатганлик ва сақлаганлик учун жиноий жавобгарлик чораларини кучайтиришини, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига диний адабиётни қонунга хилоф равишда олиб киришнинг олдини олишини кўрсатиб ўтдилар. Қонун мамлакатнинг ахборот маконини, фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг маънавиятини, ахлоқини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига кенг жалб этиш, касаначилик меҳнатидан фойдаланиш ҳисобига оилаларнинг даромадини кўпайтириш, фуқароларнинг меҳнат ва бунёдкорлик соҳасидаги фаоллигини ошириш учун ҳуқуқий шароитлар яратади. Бундан ташқари бу қўшимчалар кўплаб корхоналарга имтиёз ва преференциялар бериб, уларни касаначилар билан кооперацияни ривожлантиришга жалб этиш шарт-шароитларини яхшилайди, турар жой биноларидан касаначилик меҳнатини амалга ошириш учун фойдаланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этади. Шу билан бирга айтиб ўтиш керакки, агар касаначилик меҳнати турар жой биносида амалга оширилаётган бўлса, бундай бинони яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди.

Парламент юқори палатасининг аъзолари «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиб, қонун мамлакат мудофаа қобилиятини таъминлаш, ҳарбий ва муқобил хизматни, шунингдек резервдаги хизматни ўташ масалаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ваколатларини чегаралаб қўйишини кўрсатиб ўтдилар.

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг муҳокамасида сўзга чиққанлар қонун адабиёт ва санъат асарларини, халқ ижодиёти асарларини, эфир ва кабель орқали эшиттириш дастурларини яратиш соҳасида муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар ва эшиттириш берувчи ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини анча оширишини кўрсатиб ўтдилар. Қонун юқорида айтиб ўтилган масалалар юзасидан бир қатор халқаро конвенцияларнинг қоидаларини ўз ичига олади, мамлакатимизнинг халқаро ахборот маконига кенг кўламда интеграциялашуви учун шароит яратади.

Олий Мажлис Сенати «Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимини (Мадрид, 1891 йил 14 апрель) денонсация қилиш ҳақида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқди. Ушбу қонунлар Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, интеллектуал мулкни муҳофаза қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан сенаторлар эътиборни Мадрид битимини денонсация қилиш ва шундан кейин Ўзбекистон Республикасининг Мадрид битимига доир Баённомага қўшилиши мамлакатимизнинг интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш халқаро тизимига янада интеграциялашувига, миллий қонунларимизнинг ҳозирги умумий қабул қилинган норма ва стандартларга, шу жумладан Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) талабларига мувофиқлигини таъминлашга ёрдам беришига, мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтириш имконини беришига қаратдилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонунларнинг ҳаммаси Сенат томонидан маъқулланди.

Айни вақтда «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳар томонлама муҳокама қилинганидан сўнг рад этилди. Сенаторлар ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг асосий мақсади қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг ягона принципларини, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш шаклларини, қонун лойиҳаларини тайёрлашни ташкил этишга, уларнинг мазмунига, қонун лойиҳаларини экспертиза қилиш, шунингдек Қонунчилик палатасига киритишга қўйиладиган талабларни белгилашдан иборат эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Шу билан бирга, сенаторлар қайд этганларидек, қонуннинг қоидалари ушбу мақсадларни тўла амалга оширмайди ва унинг айрим қоидалари қўшимча ишлашни талаб қилади. Сенаторлар қонуннинг тузилиши ҳақида ўз таклифларини баён этдилар. Муҳокама якунида юқори палата аъзолари ушбу қонун юзасидан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси билан биргаликда келишув комиссиясини тузиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Сенат 2006 йил 10 июнда ўз ишини давом эттирди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

●**ЎТГАН** куни Миробод туманидаги 213-мактабда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида уюштирилган «Кўчма спорт ўйинлари» мусобақаларида Қўйлиқ ота, Баротхўжа маҳаллалари жамоалари ўзаро беллашди.

●**БУГУН** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 1-кутубхонасида Бектемир туман Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳамкорлигида китобхонлар иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Фарзанд камоли—она иқболи» деб номланди.

●**МИРЗО** Улуғбек туманидаги «Гулшан» маданият ва истироҳат боғида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан туманда яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

● **ҲАМЗА** қурилиш касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Соғлом турмуш тарзи — буюк келажак пойдевори» мавзуида уюштирилган давра суҳбати Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

**Ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## 15 O'ZBEKISTON — МАЪНАВИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

**ЖАМИЯТДА ЮКСАК МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ КАМОЛ ТОПТИРИШ, МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ ҲАР БИР ВАТАНДОШИМИЗ ОНГУ-ШУУРИГА ЧУҚУР СИНГДИРИШ МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДАНДИР.**

Зеро, одамларнинг истиқлол қадрини тобора теран ва чуқур англаши, тафаккурининг кенгайиши, мустақиллик руҳининг шаклланишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий йўналишидир.

Президентимиз ташаббуси билан бундан ўн икки йил муқаддам Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг ташкил этилиши маънавий-маърифий соҳада кечаётган янгиланиш жараёнида муҳим қадам бўлди. Ўтган вақт мобайнида Марказ халқимиз, айниқса ёшлар ўртасида маънавий тарғибот ва ташвиқот ишларини самарали ташкил этиш борасида талай хайрли ишларни амалга оширди. Бу ҳақда Марказ раҳбари Қуддус АЪЗАМ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, халқ маънавияти ва маърифатини юксалтирмай туриб, фаровон ҳаётга эришиш қийин.Бундан ўн беш йил муқаддам халқимизнинг асрий орзуси сифатида қўлга киритилган мустақиллик ўзлигимизни англаш, қадр-қимматимизни тиклаш, фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш имконини берди. Зеро, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Куч — билим ва тафаккурда», деган фикри замирида жуда чуқур маъно-мазмун мужассам. Япония, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг ҳудуди нисбатан кичкина, табиий бойликлари жуда кам. Лекин улар жаҳондаги энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олган. Бунинг сабаби - мазкур мамлакатлар халқларининг маънавий бирдамлиги, жипслиги юксак. Тинимсиз ўқиш, изланиш миллий ғояга айланган.

*( Давоми 2-бетда)*

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

●Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси Қонунларида акс эттириш» мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этди.

● Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Германия Бундестаги (парламентнинг қуйи палатаси) Христиан-демократик иттифоқ /Христиан-социал иттифоқ (ХДИ/ХСИ) фракциясининг депутат Ёхан-Конрад Фромме раҳбарлигидаги делегацияси қатор идора ва муассасаларда музокаралар ўтказди.

●Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида иккинчи республика аёллар спартакиадаси қизғин паллага кирди. Мусобақа низомига кўра барча вилоятлардан келган жамоалар аъзолари спортнинг саккиз тури бўйича беллашмоқдалар.

● Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да Марказий Осиёда ташкил этилган дастлабки ихтисослашган «Чой ва қаҳва — 2006» халқаро кўргазмаси кеча ўз ниҳоясига етди.

● Ҳомийлар ва шифокорлар йилида Хоразм вилоятида кейинги кунларнинг ўзида 24 нафар ногирон болага аравачалар, 11 нафарига эшитиш мосламалари совға қилинди. Шунингдек, қандли диабет билан касалланган болаларга тиббий хизмат кўрсатаётган 12 нафар врач-эндокринологларга қондаги қанд миқдорини ўлчайдиган замонавий анализатор топширилди.

● Тошкентдаги «Тасвирий санъат» галереясида болаларга бағишланган «Болаликнинг тумори» номли кўргазма очилди. Унинг доирасида шу номдаги кўрик-танлов ҳам ташкил этилди.

● Тошкентдаги Замонавий санъат марказида очилган «Риштон кулолчилиги» деб номланган кўргазмада риштонлик усталар қўлида сайқал топган кўзалар, косаю пиёлалар намойиш этилмоқда. Шунингдек, кўргазма залларидан татаристонлик сураткаш Лиля Кузнецованинг Риштон кулолчилигига оид ажойиб намуналар акс эттирилган сара асарлари ҳам ўрин олган.

● Наманган вилоятининг Чуст туманидаги тиббиёт коллежида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг чустликлар ҳаётига бағишланган «Адабий соғинчлар» номли роман-хроникасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

### ЖАҲОНДА

● Бахрайнлик адвокат ва ушбу мамлакатнинг Франциядаги собиқ элчиси Хайа Рашед ал-Халифа хоним БМТ Бош Ассамблеясининг раҳбари этиб сайланди. Унинг номзодини Осиё давлатлари блоки қўллаб-қувватлади. Эндиликда Хайа Рашед ал-Халифа хоним жорий йилнинг 12 сентябрь куни бошланадиган Бош Ассамблеянинг 61-сессиясини бошқаради.

● Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос келгусида давлат қурилишининг қандай бўлиши юзасидан референдум ўтказиш кунини белгилади. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 31 июль куни Фаластинда умумхалқ референдуми ўтказилади. Унда асосан Исроилни тан олиш масаласи қўйилади.

● АҚШ Сенати 62-қўллаб-қувватловчи ва 36 қарши овоз билан муҳожирлик ислоҳоти бўйича қонун лойиҳасини тасдиқлади. Унга мувофиқ иш берувчи ўзи ёллаётган ишчилар олдида ҳисоб бериши керак. Мазкур ҳужжат АҚШда ҳозирда мавжуд бўлган миллионлаб ноқонуний муҳожирлар учун вақтинчалик иш жойларини ташкил этишни кўзда тутади.

● Жаҳондаги энг қашшоқ мамлакатлардан бири саналувчи ва ҳозирда аҳвол жуда мураккаб бўлган Шарқий Тиморга Австралия, Малайзия, Янги Зеландия ва Португалиядан ҳарбий хизматчилар келиб тушмоқда. Бу ерга ҳарбий контингентни киритишни сўраб жаҳон ҳамжамиятига мамлакат маъмурлари мурожаат этишган.

● Катта саккизлик давлатлари ўтган йили Шотландияда бўлиб ўтган саммитда қашшоқ мамлакатларга кўрсатилаётган молиявий ёрдам миқдорини кўпайтиришга ваъда беришганди. Бироқ, Oxfam хайрия ташкилотининг маълум қилишича, катта саккизлик мамлакатлари ўз сўзининг устидан чиқишмаган. Улар қарзлардан воз кечиш эвазига қашшоқ давлатларга молиявий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини ўзларидан соқит қилишга уринишмоқда.

● Тинимсиз ёққан ёмғирлар оқибатида юзага келган сув тошқинлари Польша жанубидаги қишлоқлардаги юзлаб аҳолини бошқа жойларга кўчиришни тақозо этди. Синоптикларнинг билдиришларича, ёмғирлар ёғиши давом этади.

*Маҳалланг — ота-онанг*

# ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

**ШУ КУНЛАРДА БУТУН РЕСПУБЛИКА КАБИ ПОЙТАХТИМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА ҲАМ ЯКУНИГА ЕТАЁТГАН САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИНИ КУЗАТАР ЭКАНМИЗ, БЕИХТИЁР ИККИ ЯРИМ ЙИЛ ИЛГАРИГИ ҲИСОБОТ- САЙЛОВЛАРИНИ КЎЗ ОЛДИМИЗГА КЕЛТИРИБ, ТАҚҚОСЛАЙМИЗ. ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА АҲОЛИНИНГ СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК НУҚТАИ НАЗАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНИБ, ФАОЛЛИК ДАРАЖАСИ ҲАМ АНЧА ОРТГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМ, ШУ БИЛАН БИРГА БУ ЙИЛГИ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВЛАР МАЗМУН ЖИҲАТИДАН АНЧА ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА ЎТМОҚДА, ДЕСАК ҲАМ МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.**

Шу ўринда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда айни пайтда айрим ўзини-ўзи бошқариш органларига тааллуқли такрорий сайловлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Таҳлилларга қараганда, жойларда ҳисобот йиғилишларининг иккинчи марта, яъни қонун тили билан айтганда, такрорий равишда ўтказилишига турли сабаблар асос бўлаётир. Лекин қандай вазият юзага келишидан қатъи назар, аксарият ҳолларда аввалambор сайловчиларнинг, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг талаб-истагидан келиб чиқиб иш тутилаётгани, албатта, эътиборлидир.

**Мирзо Улуғбек туманидаги Амир Темур номидаги маҳалла** ҳар доим ҳамжиҳатлиги билан ажралиб турган. Кўп қаватли уйлар ва қисман якка тартибдаги хонадонларни қамраган бу маҳаллада сайлаш ҳуқуқига эга 1800 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар томонидан тавсия этилган 60 нафар вакилнинг ҳаммаси ҳам ҳисобот йиғилишида қатнаша олмаган бўлса-да, аммо кворум етарли эканлиги боис сайлов очиқ деб эълон қилинган. Бироқ...

Йиғилиш бошланиши билан айрим вакиллар ва ихтиёрий равишда иштирок этаётган фуқаролар томонидан билдирилган эътирозлар натижасида кун тартибидаги дастлабки икки масала бўйича муҳокама тугамасдан туриб, йиғилишни бошқа кунга кўчиришга, яъни қайтадан ўтказишга қарор қилинди. Бундай вазиятда муқобил номзодлар билан беллашишни ўзига эп билмаган тўрт нафар номзоддан бири ихтиёрий равишда қайта сайловда қатнашишдан воз кечди.

Кўпчиликнинг таклифини инобатга олган ҳолда такрорий сайловгача ишчи гуруҳининг таркиби ҳам қисман ўзгартирилди. Аммо айрим фуқароларнинг бундан ҳам «кўнгли тўлмагани» туфайли ишчи гуруҳи учинчи марта янгитдан шакллантирилди ва унинг аъзолари қайта сайлов ўтказилиши юзасидан деярли ҳар бир хонадонни воқиф қилишга киришишди.

Жорий ойнинг олтинчи кунида бўлиб ўтган такрорий сайлов натижаларига кўра, маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари янги муддатга сайланди. Бироқ, ушбу жараённинг баъзи томонлари, назаримизда, кўпчиликни ҳам таажжублантирди, ҳам ҳайратга солди, десак адашмаймиз.

Қайта сайлов куни оқсоқол вазифасига кўрсатилган икки нафар номзоднинг ишчи гуруҳи номига ёзма равишда ўз номзодларини олмаган ҳолда сайловда қатнашмаслиги хусусида мурожаатнома (ариза эмас, айнан мурожаатнома) йўллагани ўқиб эшиттирилади. Бу борада кўпчилик вакиллар эътироз билдиришига қарамасдан, ишчи гуруҳи томонидан энг мақбул ва адолатли йўл тутилиб, ҳар бир номзод, шунингдек, уларнинг тарафдорларининг ҳам хоҳиш-истакларини ҳурмат қилган ҳолда уччала номзодни овозга қўйиш таклифи ўртага ташланди ва маъқулланди.

Ҳисоб комиссияси ҳулосасига кўра, маҳалла вакилларининг 50 фоиздан кўп овозини ўтган давр мобайнида фуқаролар йиғинига бошчилик қилиб келган Тўхтамурод Абдукаримов олишга муваффақ бўлиб, кейинги муддатга яна қайта сайланди.

Шу тумандаги **«Феруза» маҳалласида** ҳам сайлов қайтадан ўтказилди. Бироқ, бу ерда ишчи гуруҳи эмас, балки оқсоқолликка номзодлар мутлақо янгитдан танланди. Гап шундаки, белгиланган сайлов кунида фуқаролар йиғини раислигига даъвогар бўлиб турган уч нафар кишининг ҳаммаси ўз номзодини қайтариб олди. Сабаби — амалдаги раис ўз номзодини кейинги муддатга кўрсатмаган бўлсада, бироқ сайлов куни ҳисобот бера туриб, маҳалладошларидан ўзи учун овоз беришларини илтимос қилди. Расмий равишда рўйхатдан ўтган номзодларнинг бундай кутилмаган вазиятда қай аҳволга тушганини тасаввур қилиш қийин эмас...

Такрорий сайловга тавсия этилган икки нафар янги номзоддан бири Карим Толипов эса кўпчилик овоз билан «Феруза» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

— Тумандаги 52 маҳалладан юқорида қайд этилган иккитасида ҳақиқатан ҳам сайловларни такрорий ўтказишга тўғри келди ва ушбу жараёнлар қонунчиликда кўрсатилган талабларга тўлиқ риоя этган равишда бўлиб ўтди, — дейди Мирзо Улуғбек тумани сайловга кўмаклашувчи комиссия раиси Жамолиддин Шоҳакимов. — Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, биринчи бор амалда ўз ифодасини топаётган «Фуқаролар йиғини ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг такрорий сайлов ўтказишга доир банди нечоғлик муҳим ва долзарблиги, фуқаролик жамияти шаклланиши давридаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда юзага келиши мумкин бўлган вазиятлардан келиб чиққан ҳолда киритилганлиги яққол намоён бўлди. Бевосита кўрсатиб ўтилган маҳаллаларга келсак, сайлов кунидаги номаъқулчиликларга нисбатан фақат ишчи гуруҳлари эмас, балки биринчи навбатда аҳолининг аксарият қисми, ҳаттоки номзодлар томонидан ҳам ҳолисона ёндошилиб, тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилинди. Тўғри, бундай вазиятнинг юзага келишига аввалambор маҳаллалардаги муҳитнинг унчалик соғлом эмаслиги сабабдир. Сайлов эса аҳолининг ўз фикрини очиқ-ойдин айтиб олишига имкон яратиб берди. Бу ҳақда мушоҳада юритишга ҳақли эмасмиз, зеро, бундай нозик масалалар фақат маҳалла аҳли ўртасида ҳал этилади. Биз фақат шуни истаб қолардикки, янги сайланган оқсоқоллар ўз зиммаларига юклатилаётган масъулиятли вазифаларга сидқидилдан ёндашиб, аввалambор аҳоли ўртасида ҳамжиҳатликни таъминлашга астойдил ҳаракат қиладилар...

Мирзо Улуғбек тумани бўйича сайлов кампанияси ниҳоясига етди. Якуний таҳлиллар шуни кўрсатадики, 24 та маҳаллада янги оқсоқол сайланган, шулардан Исмоилий, Файзулла Хўжаев ва Ҳамид Олимжон номидаги маҳаллаларга эндиликда аёллар бошчилик қилади. «Салор» маҳалласида эса раислик вазифасига кўрсатилган уч номзод орасидан энг ёши — Абдумажид Усмоновга (40 ёшда) кўпроқ овоз берилди.

Миробод тумани сайловга кўмаклашувчи комиссия раиси Ботир Усмонов маълумотига кўра, туман кесимида такрорий сайловлар ёки қайта овоз бериш жараёнлари кузатилмаган. Аксарият маҳаллаларда сайловлар қонунчилик талабларига тўлиқ риоя этган ҳолда ва аҳолининг фаоллиги остида бўлиб ўтган.

Ахборот ўрнида айтиб ўтиш лозимки, Миробод тумани сайлов кампаниясини иккинчи бўлиб (Яккасарой туманидан кейин) тугатди. Тумандаги мавжуд 39 та маҳалладан еттитасида фуқаролар йиғинига янги раислар сайланди.

**«Биродарлик» маҳалласи** фуқаролар йиғини раислигига сайланган Шавкат Қодиров ҳисобот даврининг сўнгги беш ойи мобайнида вақтинча оқсоқоллик вазифасини ўтаб келган ва шу қисқа вақт ичида ўз маҳалладошлари ўртасида обрў-эътибор қозонишга ҳам эришган. Унинг номзодига кўпчилик овоз бергани ҳам бунинг яққол далилидир.

Сайловчилар фикри билан айтганда, Шавкат Қодиров ўтган давр ичида асосий эътиборни ижтимоий масалаларга қаратган ва бу борада, айниқса муҳтож оилаларга ёрдам беришга ҳаракат қилган ҳамда уй-жойларни таъмирлаш ва атроф ҳудудни ободонлаштириш ишларида жонбозлик кўрсатган. Ёши жиҳатдан (Шавкат Қодиров ҳам 40 ёшда) маҳаллага бошчилик қилишга, балки, эртароқ дея ўзи эътироф этаётган бу оқсоқол севимли ишини ташлаб, эндиликда бор куч-ғайратини ва имкониятларини туғилиб ўсган маҳалласи фаровонлигига бағишлашга ваъда берди. Айни пайтда эса у ўз ҳаракат дастурида ёшлар тарбияси масаласига алоҳида урғу берганини амалда ифодалаш мақсадида дастлабки фаолиятини «уста-шогирд» йўналиши бўйича янги иш ўринларини ташкил этиш билан бошламоқда. Бу оқсоқолга эзгу ишларида омад тилаймиз.

Шаҳар кўмаклашувчи комиссиясидан олинган сўнгги маълумотларга қараганда, жорий йилда пойтахтимиздаги 474 маҳалладан 97 фоизида ҳисобот йиғилишлари бўлиб ўтган. Шундан учдан бир қисмида янги оқсоқоллар сайланган. Бу борада Сергели тумани етакчилик қилаётганини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Туман ҳудудидаги ўзини ўзи бошқариш органларининг 54,5 фоизида раислик вазифасини янги кишилар ўтайди. Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманларида эса бу кўрсаткич деярли 50 фоизни ташкил этади.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

## СИРЛИ ОЛАМ

### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари маълумотлари асосида тайёрланди

● «Мондекс Исраэль» компанияси «электрон ҳамён»ларни тарқатишга киришди. Бошланишида тўловнинг бу янги тури Реховот ва Нес-Ционада истиқомат қилувчилар учунгина тааллуқли. Ундан 300 та савдо нуқталарида харидларга пул тўлаш учун фойдаланиш мумкин. Параллель равишда «Мондекс Исраэль» мижозларга «электрон ҳамён»нинг бошқа тўловларга нисбатан афзалликларини кўрсатиш учун реклама кампаниясини ҳам амалга оширмоқда. Унинг афзалликларидан бири «ҳамённи» уйдан чиқмасдан, банкоматларнинг нақд пулларини беришни истамасликларидан ҳар сафар жиғибийрон бўлмаган равишда фақатгина телефон линиясига улаб тўлдириш мумкин.

● Қуддус университети лабораторияларида ҳозиргача мавжуд бўлган воситалардан анча самарали бўлган янги профилактика воситаси яратилди. Ҳозирги пайтда дорини ҳайвонларда синаш тугалланмоқда. Бу синовлар даврида анча жиддий натижаларга эришилди. Яқинда у беморларда ҳам синаб кўрилади. Олимлар Қуддус университети профессорлари Эли Кидар, Йехезкиэль Бернхольц ва Закария Закаи-Ронес, шунингдек, унинг талабалари Илан Бабай ва Сарит Самираларнинг изоҳ беришларича, янги дорининг асосини липозом — қонда бўлган майда ёғ пуфакчаларининг таъсири ташкил этади. Уларда лимфада ҳосил бўладиган оқсиллар юборилади. Натижада организмнинг иммунитет тизими рағбатлантирилади. Липозомлар ўзига хос оқсил «ташувчилар» бўлиб хизмат қилади — у иммунитет тизимига «етказилади», бунинг натижасида зарур дори узоқ вақт давомида аста-секин организмда ўзлашади. Шу туфайли организмнинг иммунитет таъсири икки-уч ҳафта олдин рўй беради, қонда ҳосил бўладиган ва вирусга қарши курашадиган антижисмлар даражаси минг баравар ошади. Айни пайтда шуни айтиш керакки, ҳозиргача қўлланиб келинган гриппдан сақловчи профилактика воситаси эски вирус ёки унинг қобиғидаги оқсилнинг таъсирига асосланган дир. Бундай воситалар жуда кўп камчиликларга эга бўлиб, самарасиздир. Қуддуслик олимларнинг фикрича, янги дори бундай барча муаммоларни ҳал эта олади.

● Америкалик, мисрлик ва польшалик тадқиқотчилар тош асрига оид топилмага дуч келдилар. Америкада чиқадиган «Нейчер» илмий журнали ўзининг охирги сонида америкалик, мисрлик ва польшалик бир гуруҳ олимлар Абу Сумбул ибодатхонасидан юз чақирим узоқликдаги қуриб қолган кўл яқинида етти минг йиллик тарихга эга тош асрига тааллуқли йўнилмаган, лекин обидалар қуришда ишлатиладиган тошлар уюмига дуч келганликлари ҳақида ёзади. Олимларни ҳайратга солган яна бир нарса, тошлар орасида доира шаклидаги диаметри тўрт метр шимол, жануб ва ғарб, шарқ томонларни кўрсатувчи белгилари топилган тош эди. Олимларнинг фикрича, ундан фалакиёт илмида турли фасллар, жумладан, ёмғирли фаслларнинг бошланишини аниқлашда фойдаланишган бўлишлари мумкин. Мақолада тошлар топилган бу ерлар Африка томонидан эсиб турадиган мавсумий ғарбий шамоллар таъсирида қадимда намли жойлар бўлган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам бу ерлардаги вақтинча ҳосил бўладиган қўллар бўйида кўчманчи чўпонлар подачилик қилишган кўринади.

● Қоғоз стаканчалардан турмушда кўп фойдаланамиз. Ҳар куни бўлмаса-да, ҳар замонда дўкондан қаймоқ оламиз ёки болаларимизга қоғоз стаканга солинган музқаймоқ олиб берамиз. Нафақат улар, ҳатто ўзимиз ҳам мазза қилиб еймиз, идишини эса мижғлаб ташлаб юборамиз. Уни ким ихтиро қилганлиги хаёлимизга ҳам келмайди. Қоғоз стаканчанинг муаллифи оддий гумашта — коммивояжер (хусусий корхона ёки фирма маҳсулотларидан нусха кўрсатиб, шаҳармашаҳар буюртма тўпловчи вакил) Давид Р.Картин бўлади. У иш юзасидан кўп шаҳарларга борди. Бир сафар иссиқдан лоҳас бўлиб чарчаб Канзасга келади. Чала ювилган шиша стаканда сув ичаётиб ўйлаб қолади. «Бунақа кир стаканда қанча-қанча сув ичиб юбордим-а?» Бир марта ишлатиладиган стакан яратса бўлмасмикан? Балки бу шиша стаканлар қимматга тушаётгандир?» Шу пайт унинг эсига қоғоз келган. Қисқаси қоғоз стакан шу тариқа дунёга келди.

● Сув остида хоккей. Аслида бу ўйин бундан 300 йиллар муқаддам англиялик спортчи ғаввослар томонидан ўйлаб чиқарилган. Бироқ унча оммавийлашмаган. Шунинг учун спортнинг бу тури Олимпиада ўйинлари қаторига киритилмаяпти. Аммо шундай бўлса-да, бошқа мамлакатларда аста-секин жорий этилмоқда. Энди ўйинни ўтказиш ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Ҳар бир командада олти нафардан ўйинчи бўлади. Улар акваланг (сув остида бемалол нафас олиб, сузишга имкон берадиган кийим) кийиб оладилар. Хоккей таёқчаси ёғочдан ёки пластмассадан ясалади, шайба эса металлдан. Ўйин ҳовуз тубида ўтказилади. Сув жуда тиниқ бўлиши, сув ости чироқ нури билан ёритиб турилиши керак. Ана шунда ишқибозлар ўйинни бемалол томоша қилишлари мумкин.

● Филиппиннинг Мариндук вилоятида капалаклар боқиладиган алоҳида ферма ташкил этилганига ҳам анча бўлиб қолди. Фермада тўққиз турдаги капалаклар етиштирилади. Ферма асосан Европа мамлакатлари, АҚШ ва Япония буюртмасини бажаради. Бу давлатлар капалакларнинг ҳар бирини 1-5 доллардан сотиб олишади. Танга гуллилари эса қиммат туради — 30 доллар. Фермада етиштирилган капалакларнинг 10 фоизи табиат қўйнига қўйиб юборилади. Бу эса табиатни муҳофаза этиш ишига қўшилган катта улушдир.

# МАЪНАВИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

*( Давоми.*
*Боши1-бетда)*

Бу ҳаётий ҳақиқат мамлакатимиз раҳбарининг «Маънавиятсиз келажак йўқ», деган гапининг исботидир. Масаланинг бошқа жиҳати шундаки, бугунги кунда мафкуравий полигонлар ядровий полигонлардан ҳам хавфли бўлиб қолди. Аҳолининг, айниқса, ҳали ҳаётий позицияси, дунёқараши тўла шаклланиб улгурмаган йигит-қизларнинг онгини маҳв этиш учун кураш тобора шиддатли ва шафқатсиз тус олмоқда. Ҳозирги глобаллашув жараёнида ўзлигимизни сақлаб қолиш, ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмаслик учун маънавий- маърифий тарғибот ишларини ҳар қачонгидан ҳам кучайтиришимиз зарур. Чунки хориждаги айрим кучлар демократия, инсон ҳуқуқлари, эътиқод эркинлигини ривожлантириш каби сиртдан жозибали кўринган, аслида мағзи пуч, ғараз ниятли шиорлар остида миллий қадриятларимизга, маънавиятимизга, халқимиз дунёқарашига мутлақо зид, демократия ва динга сира алоқаси бўлмаган турмуш тарзи ва ёт ғояларни тиқиштиришга уринмоқда.

Шундай бир шароитда Ватан, оила муқаддаслиги, ор- номус, шарм-ҳаё каби халқимизнинг менталитетига хос фазилатларни кенг тарғиб этишимиз, фарзандларимизни ахлоқсизликдан ҳимоя қилишимиз, устимиздан ҳукмронлик қилишга асосланган салтанатни тиклашга интилаётган ғаразли кучларнинг асл муддаоларидан ватандошларимизни огоҳ этишимиз даркор. Бундай кучлар халқимизни ўзига қарам қилишга, ёшларимизнинг маънавиятини бузиб, ўз ғояларига мойил этишга ҳаракат қилмоқда.

Бугунги кунда энг катта бойлигимиз - тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик ва барқарорликдир. Дунёнинг қатор мамлакатларида уруш ва можаролар тинмаяпти. Бунинг оқибатида бегуноҳ одамларнинг қони тўкилмоқда. Биз мана шуларни кўриб, кузатиб тегишли хулосани чиқаришимиз зарур. Ҳар биримиз атрофимизда, дунёда рўй бераётган воқеалар, турли сиёсий жараёнлардан хабардор бўлишимиз шарт.Чунки дунёнинг қайси чеккасида бўлмасин, кечаётган воқеа ва ҳодисалар бевосита ёки билвосита ҳаётимизга дахлдор. Айтайлик, «рангли инқилоблар» кимлар томонидан ва нима мақсадда уюштирилаётгани халқимизга аён-ку. Айнан демократия байроғи остида муайян кучлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, зўравонлик билан «рангли инқилоблар» уюштирмоқда. Аслида бунинг демократияга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

«Рангли инқилоблар» бўлган жойларда осмондан чалпак ёғаётгани йўқ, кескин иқтисодий-ижтимоий муаммолар камаймаётир. Шу боис бундай кучлар хуружига жавобан давлатимиз раҳбарининг «ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаган ва бўлмайди ҳам», деган қатъий ўгитини ҳамиша дилимизга тугишимиз даркор. Марказимизнинг бош вазифаси ана шу йўналишдаги ишларни изчиллик билан олиб боришдан иборат.

Халқимиз 15 йил ичида Президентимиз раҳнамолигида асрларга татигулик тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бундан —истиқлолдан аввалги шаҳар, қишлоқларимизни ҳозиргиси билан солиштириб бўлмайди. Биргина мисол, шўролар даврида Ўзбекистонда ҳаттоки велосипед ҳам ишлаб чиқарилмасди. Бугун биз дунёда автомобиль ишлаб чиқарадиган йигирма саккиз давлатнинг бирига айландик. Таълим соҳасидаги беқиёс ислоҳотлар ҳақида ҳам узоқ гапириш мумкин. Қанчадан-қанча муқаддас қадамжолар, буюк аждодларнинг мангу қўним топган жойлари эндиликда табаррук зиёратгоҳга айланди. Ана шундай улуғвор ишлар замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ва маънавий- маърифий ислоҳотлар ётибди. Чунки маънавияти ва маърифати юксак бўлмаган халқ буюк ишларни амалга ошира олмайди.

**— Марказ томонидан Президентимизнинг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Мамлакатимиз аҳолиси ўртасида миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб этиш, дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан юртдошларимизда онгли муносабатни, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда айрим жойларда бу масалага эскича ёндашувлар, расмиятчилик ва юзакилик ҳолатлари ҳам кўзга ташланаётир. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори айнан шундай ҳолатларни бартараф этишга йўналтирилган.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ Марказимиз томонидан ташкил этилаётган турли тадбирлар юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун- моҳиятини очиб беришга қаратилмоқда. Уларда ҳар бир ватандошимизнинг қалбига чуқур кириб боришга алоҳида эътибор берилаётир. Бу борада Марказ турли ташкилотлар, вазирликлар, идоралар, жамғармалар билан самарали ҳамкорлик олиб бормоқда. Натижада кўплаб ижодкор зиёлилар — ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, олимлар, спортчилар учрашувлар, фестиваллар, кўргазмалар, китобхонлик байрамлари каби анжуманлар орқали аҳоли билан бевосита мулоқотларга киришмоқда. Биз мазкур қарорнинг мазмун- моҳиятидан келиб чиққан ҳолда эски, сийқаси чиққан мажлисбозлик, маърузабозликдан тамомила воз кечдик.

Ўтказилаётган тадбирларнинг нечоғли самимий, жонли ва мазмунли кечаётганини одамларнинг юз-кўзидан, кайфиятидан илғаш мумкин. Айтайлик, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов ёки шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов каби таниқли ҳамюртларимизнинг чиқишлари ўнлаб зерикарли, олдиндан тайёрлаб қўйилган, сийқаси чиқиб кетган, аудиторияда кимлар ўтирганидан қатъи назар ўқиб кетилаверадиган маърузалардан афзал эмасми?! «Ватан манфаати — улуғ ва муқаддас!» шиори остида Андижон вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ёшлар фестивallари, водий вилоятларининг шаҳар ва туманларида «Улуғимсан, Ватаним!» мавзуида катта концерт дастури, «Ватан, сенсан, энг улуғ чаман» деб номланган китоб байрамлари ўтказилди.

Шу билан бирга, Ўзбек Миллий академик драма театри, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театри ижодий жамоалари меҳнат жамоаларида, олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида, маданият саройларида, маҳаллаларда ўзларининг саҳна асарларини намойиш этдилар. Айни пайтда «Юртимиз одамлари» фототанлови, «Завол билмас санъат» мавзуида ўтказилган тасвирий ва халқ амалий санъати кўргазмалари нафақат фото усталари ва мусаввирлар, балки санъат ихлосмандларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси билан ҳамкорликда «Азиз Ватаним» шиори остида умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар, олий таълим муассасаларининг ўқувчи ва талабалари учун таътил кунлари юртимизнинг муқаддас қадамжолари, тарихий обидалар, гўзал ва бетакрор масканларга саёҳатлар уюштирмоқдамиз.

Буларнинг барчаси бир мақсадга - халқимиз онги ва тафаккурига миллий истиқлол ғоясини янада теранроқ сингдиришга қаратилган.

**— Марказ томонидан Ватанимиз Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб яна қандай тадбирлар режалаштирилган?**

— Биз қўлга киритган муваффақиятлардан бири — мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталиги таъминланди. Бир эслайлик, айрим қўшни давлатларда 90-йиллар аввалида қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилди... Ўзбекистонда ана шундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинди. Биз бировларга эргашмадик, тақлид қилмадик, ҳар хил тажрибалар ўтказмадик. Юртбошимиз раҳбарлигида ўзимиз танлаган йўлимиздан собитқадамлик билан бордик.

Бугун тўкинлик, фаровонлик, осойишталик ҳаётимиз мезонига айланган. Буларнинг барчаси мустақиллик мевасидир. Мафкуравий жараёнлар, тарбия, тарғибот ва ташвиқот ишлари ғоят муҳим аҳамият касб этаётган ҳозирги кунда юртдошларимиз, айниқса ёшлар ўртасида давлатимиз сиёсатининг мазмун- моҳиятини, янги ҳаёт қуришдаги олижаноб интилишларимизни, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу ғояларимизни ҳар томонлама теран тушунтиришга қаратилган сермазмун тадбирлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.Уларда ёшларимизнинг онгу шуурига «Мен Ватаним учун, унинг равнақи учун нима қилдим?» деган саволга ҳар бир йигит-қиз ўзича жавоб топиши лозимлигини чуқур сингдиришдир. Маърифий-мафкуравий тарбия, тарғибот- ташвиқот ишларининг мезони, аввало, халқимизнинг умидишончи ва таянчи бўлган ёшлар тарбияси, уларнинг ҳаётга, эл-юртга нисбатан муносабатига қанчалар таъсир кўрсата олгани билан белгиланади. Ёшлар тарбиясига бепарволик, мафкуравий курашдаги лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, тарбия — бу ҳаёт-мамот масаласи эканини барчамиз юксак масъулият билан ҳис этишимиз зарур. Буни давр талаб этаётир. Демак, бу соҳада ҳали кўп ишларни амалга оширмоғимиз керак. Бундай вазифалар эса Марказимиз ходимлари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди.

**ЎзА мухбири**
**Назокат УСМОНОВА ёзиб олди**

*Бозор ва харидор*

# ИЗЛАНИШЛАРИ САМАРАЛИ КЕЧМОҚДА

**ТАБИАТНИНГ НОЗИК ҲИЛҚАТИ БЎЛГАН АЁЛНИНГ ШИЖОАТИ, АҚЛУ ФАРОСАТИГА, ИШЧАНЛИГИЮ ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАСЛИГИГА ГОҲО ҲАЙРОН ҚОЛАСАН КИШИ. ТАДБИРКОР АЁЛЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ БУНИНГ ЯҚҚОЛ ИСБОТИ ҲИСОБЛАНАДИ.**



Мирзо Улуғбек туманида фаолият юритаётган «Райҳона-Дона» хусусий фирмаси сифатли, рақобатбардош маҳсулотлари билан шаҳримиздагина эмас, республикамиз, ҳатто узоқ хорижда ҳам яхши таниларлиги бежиз эмас. 1996 йилда 5 нафар ишчи-хизматчилар билан иш бошлаган жамоа аҳли бугунги кунга келиб 30 нафарни ташкил этади.

— Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу аснода халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган ислоҳотларнинг амалдаги ижросини таъминлаш, — дейди фирма директори, ғайрат-шижоатли тадбиркор Райҳон Қурумбоева, — айнан бизларга боғлиқ. Тадбиркорнинг бутун фикри зикри, ғояси истеъмолчининг, харидорнинг эҳтиёжини билиш ҳамда уни қондиришга қаратилса, иши бароридан келиши аниқ. Буни мен кўп йиллик иш тажрибамда синаганман. Муҳими, ўзимизда тайёрланиши мумкин ҳамда зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришни пухта йўлга қўйиш, ички бозоримизни четдан келтириладиган маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша оладиганлари билан таъминлашни асосий мақсад қилган ҳолда иш юритяпмиз. Бир неча йиллардан буён фирмамизда қизжувонларга тикувчиликдан сабоқ бериб, уларни жамоамизда иш жойи билан таъминлаш йўлга қўйилган, яъни улар биздан иш ўрганиб уйда, оилалари даврасида бўлиб, касаначилик йўли билан буюртмаларимизнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Президентимизнинг жорий йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам долзарб бўлиб, аҳолининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шаклларини кенг ривожлантиришни кўзда тутади. Демак, корхона жамоаси тўғри йўлни танлаган.

Ҳозирда мазкур жамоа аҳлининг моҳир бичиқчи, дизайнчи, қўли гул тикувчиларининг меҳнати самараси ўлароқ, пахта хом ашёсидан иқлимимизга мос чиройли, кўркам портьер, ёстиқжилдлар тўплами, мактаб ўқувчилари учун махсус формалар, дастурхон, ўринкўрпа ғилофлари тикилмоқда. Жумладан, бири-биридан чиройли, безакланган саҳна либослари юмшоқ ўйинчоқлар, эркак, аёл ҳамда болажонларнинг устки кийимлари буюртма асосида тайёрланади. Ўтган йили парда тикиш бўйича 3 миллион сўмлик буюртма бажаришди.

Жамоа аҳлининг покривал ҳамда ёстиқжилдлари харидоргирлиги билан ажралиб туради. Айниқса, уларда қўлланган — ранглар уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилган, маҳсулот жилвакорлигини оширадиган қуроқ нафақат чиқитсиз ишлаб чиқариш, балки гўзал, бетакрор маҳсулотлар яратишнинг самарали усули ҳамдир. Ўтган йилдан бошлаб юз фоиз пахтали, соғлиқ учун фойдали матодан тикилган покривallар хорижликлар эътиборини тортиб, улар билан шартнома тузилди. Эндиликда хусусий корхонанинг ушбу маҳсулотлари АҚШга экспорт қилинмоқда.

Эътиборли томони, буюртмачилар сафи кенгайиши ҳисобига 2 нафар бичиқчи ҳамда 5 нафар тикувчи иш билан таъминланди. Айни кунларда эса корхона тадбиркорлари янги цех очиш учун кредит олиш тадорикини кўришмоқда. Бу режа амалга ошгач эса кўплаб фуқаролар учун янги иш ўринлари яратилади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТДА: жамоа тадбиркорларининг сифатли,кўркам, рақобатбардош маҳсулотлари йилдан йилга ортиб бормоқда.**

**Наталья Семёнова олган сурат**

# Камолот

*Халқаро алоқалар*

## ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

**«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ХАЛҚАРО ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШИДА ҲАМ КЎПЛАБ ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Хорижий ва халқаро ёшлар ташкилотлари билан делегациялар айирбошлаш, маданият марказларига ташрифлар уюштириш ёшларнинг тарбияси, маънавиятини бойитишга, ҳар бир давлатнинг урф-одатлари, қадриятлари, тарихи билан яқиндан танишишга қаратилган саъй-ҳаракатлардир.

Жумладан, ўтган 2005 йилда Тошкент шаҳар «Камалак» сардори, Чилонзор туманидаги 281-мактаб ўқувчиси Шоҳиста Имомназарова Озарбойжон Республикасига, Яккасарой туманидаги 91-мактаб ўқувчиси Ирина Шакирова ҳамда Тошкент иқтисодиёт колежи ўқувчиси Наргис Азаматовалар Россия Федерациясининг Ярославль шаҳрига Халқаро ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида сафарда бўлиб қайтишди.

Шунингдек, «Uzbek-japan center» Халқаро бизнес марказида «Япония маданияти ва унинг ўзига хослиги» мавзусида, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият марказида «Миср маданияти ва унинг урф-одатлари» мавзусида уюштирилган тадбирлар ҳамда Виктор Гюго номидаги Франция маданият марказидаги «Франция урф-одатлари ва миллий таомлари» мавзусидаги тадбир эътиборга моликдир. Марказларга ташрифларда жами 60 нафарга яқин «Камолот» фаоллари фаол иштирок этишди.

**Барно УМИРОВА**

**«КАМОЛОТ» ЁИҲ СЕРГЕЛИ ТУМАН БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН «ЁЗНИ КАМОЛОТ» БИЛАН!» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ 104, 266, 300-ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЁЗГИ ТАЪТИЛ ДАВРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН «КАМАЛАК», «ЮЛДУЗЧА» ВА «КЕЛАЖАК БОЛАЛАРИ» ОРОМГОҲЛАРИДА ДАМ ОЛАДИГАН ЁШЛАРНИНГ ВАҚТЛАРИНИ ЯХШИ ВА СЕРМАЗМУН ЎТКАЗИШЛАРИ ЙЎЛИДА БИР ҚАТОР ЛОЙИҲАЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.**

## РАНГ-БАРАНГ ТАДБИРЛАР

Жумладан, оромгоҳларга бириктирилган туман сардорлар кенгаши иш режаси бўйича «Камолот» ЁИҲ Сергели туман бўлими қошида фаолият юритувчи «Камалак» сардори Севара Абидова ва «Етакчилар» кенгаши раиси Нодира Раҳмонбердиевалар барча ўтказиладиган тадбирларга масъул этиб тайинланди.

100 нафар дам олувчини бағрига оладиган оромгоҳларда турли спорт мусобақалари, «Эртаклар — яхшиликка етаклар», «Ёш табиб» мавзуларида танловлар, «Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш» дарслари, мультфильмлар, қўғирчоқ театри спектакллари, болалар шоирлари билан учрашувлар, «Камолот» — мен — сен —биз» мавзуидаги семинар-тренинглар ўтказилади. Тил ўрганиш курсларининг фаолияти йўлга қўйилади.

«Камолот»чиларнинг мақсади ёзда масза қилиб, мириқиб дам олишни режалаган ҳар бир ёшнинг таътили мароқли ўтсин.

Бугун ўз фаолиятини бошлаган оромгоҳларда болажонларнинг қувноқ кулгулари янграмоқда. Ёзги таътилнинг мароқли ўтиши сизу бизга, зиммамиздаги масъулиятни нечоғлик яхши англаб, амалга оширишимизга боғлиқлигини ҳеч биримиз унутмайлик.

**Руслан ҲАКИМОВ, Азиза МУҲАМЕДОВА**

*Таълим*

## ИСТИҚБОЛИНГИЗ ПОРЛОҚ БЎЛСИН

**КУНИ КЕЧА МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИДА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЖАМОАСИНИНГ «СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ» БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Кечани академик лицей директори Эшмуҳаммад Қодиров кириш сўзи билан очар экан ушбу куннинг барча битирувчи-ўқувчиларнинг ҳаётидаги муҳим сана ҳисобланишини таъкидлаб, келажакдаги йўллари порлоқ ва нурафшон бўлишини тилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси, шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси раҳбарлари, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчи-профессорлари ҳам битирувчиларни муборакбод этдилар.

Тадбир сўнгида Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театри жамоаси ўзларининг байрамона чиқишлари билан кечага ўзгача файз бағишладилар.

## ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИДА БЎЛИБ ЎТГАН «ТАЛАБАЛИК — ОЛТИН ДАВРИМ» ДЕБ НОМЛАНГАН ТАДБИР ҲАМ ЖУДА МАРОҚЛИ ВА МАЗМУНЛИ ЎТДИ.**

Кечада мазкур институтнинг маънавий- маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Дагар Расулов барча битирувчи магистр, бакалавр мутахассислигига эга бўлаётган талабаларни табриклади. Шунингдек, институт факультетлари деканлари, профессор-ўқитувчилари ҳам ўзларининг самимий дил сўзларини изҳор қилиб талабаларга оқ йўл тилашди.

Тадбир сўнгида талабалар устозларига бағишлаб тайёрлаган байрамона чиқишларини намойиш қилдилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**





**МАМЛАКАТ ЁШЛАРИНИНГ ЯГОНА ҲАРАКАТГА БИРЛАШУВИ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЁТГАНИ БАРЧАМИЗНИ ҚУВОНТИРАДИ.**

*Ёшлар — келажагимиз*

## «ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН!» ЛОЙИҲАСИ — АМАЛДА

Шу маънода «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси келажагимиз пойдевори бўлган ёшларимизни янада жипслаштиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Мазкур лойиҳа йўналишлари жорий йилда 22 тани ташкил этмоқда.

«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлимида бўлиб ўтган матбуот анжуманида айнан ана шу мавзу доирасидаги масалаларга эътибор қаратилди. Тадбирда ҳаракат фаоллари, туман бўлимлари раислари билан бир қаторда, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам иштирок этишди.

Дастлаб «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси Фурқат Маҳмудхўжаев, матбуот котиби Отабек Эшматовларнинг ахборотлари тингланди.

Таъкидлаб ўтилганидек, ҳаракатнинг шаҳар бўлими ва Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида татбиқ этилаётган лойиҳа доирасида бу йил ҳам мактаб ўқувчилари учун мактаб қошидаги оромгоҳлар ташкил этилган. Маълумот ўрнида шуни ҳам таъкидлашимиз мумкинки, ҳозирда 32 та оромгоҳ мавжуд бўлиб, унда 3 та мавсум доирасида 11467 нафар фарзандларимиз ҳордиқ чиқаришларига шарт-шароитлар яратилган. Лойиҳа доирасидаги бир қатор тадбирлар ўзининг янги ишлаб чиқилганлиги, амалиётга энди жорий этилаётганлиги билан эътиборлидир.

Жумладан, тадбирлар режасидан ўрин олган «Кўчма кино», «Кўчма театр», «Музейларга экскурсия», «Ҳайвонот боғларига экскурсия» сингари маънавий ва маърифий аҳамиятга эга тадбирлар ёшларимизнинг руҳий камолотига ўзига хос ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

— Бугунги йиғилишимизда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларни аниқлаб олдик, — дейди «Камолот» ЁИҲ Бектемир туман бўлими раиси Илҳом Алимов биз билан суҳбатда. — Айниқса, ана шу йирик лойиҳани амалга оширишимизда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги 30 та олий ўқув юртларидан 699 нафар талабаларнинг жалб этилаётгани, болажонларимизнинг сиҳат-саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза этишга қаратилган «Таомнома» дастурининг ишлаб чиқилиши сингари янгиликлар амалга ошиradиган ишларимизнинг янги босқичга кўтарилишига омил бўлади деб ўйлайман...

Тадбир давомида оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан берилган саволларга ҳаракат фаоллари томонидан тўлиқ ва атрофлича жавоблар қайтарилди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**СУРАТЛАРДА: «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳасига бағишланган матбуот анжуманидан лавҳалар**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

*Анжуманлар*

## РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ҲОМИЙЛИГИДА ИШ ЮРИТАДИГАН «КАМАЛАК» БОЛАЛАР ТАШКИЛОТИ ЁШ АВЛОДНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ, ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТ РУҲИДА, ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ, БИЛИМДОН ЭТИБ ТАРБИЯЛОВЧИ БОЛАЛАР ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИДИР.**

Ташкилот аъзолари 7 ёшдан 14 ёшгача ўқувчилардан иборат бўлиб, уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида турли хил қизиқарли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Куни кеча «Камалак» болалар ташкилотининг Миробод туман бўлимининг ўнинчи раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ташкилотнинг ярим йиллик ҳисоботи сарҳисоб қилиниб, келгусида бажариладиган ишлар режаси тузилди. Ўқувчи-ёшларнинг таътил кунларида ўтказиладиган «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси ҳақида йиғилиш иштирокчиларига маълумот берилди. Ёз ойларида ташкилот аъзоларини оромгоҳларга жалб этиш, маҳалла болалари ўртасида кўчма спорт ўйинлари ўтказиш, уларга тил ўргатиш, компьютер саводхонлиги кунларида бепул таълим олишга шароитлар яратиб бериш ташкилотнинг асосий вазифаси ва олий мақсади эканлиги айтиб ўтилди.

Туманда 18 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, таълим олаётган 21,528 ўқувчининг 17.726 нафари «Камалак» ташкилотининг аъзоларидир. Ҳар бир аъзо ўз хоҳишига қараб турли лойиҳа ва тадбирда иштирок этиб ёзни мароқли ўтказишига имкониятлар тўла-тўкис яратилган.

**Барно СУЛАЙМОНОВА**

## БИЛИМЛАРНИ БАҲОЛАШ ЙЎРИҚНОМАСИ

**РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИГА АМАЛ ҚИЛИНМОҚДА. БУНДАЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖАРАЁН ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИДА ҲАМ ЎЗИНИНГ ИЖОБИЙ НАТИЖАСИНИ БЕРМОҚДА.**

Олий ўқув юртида ўқитиладиган фанлар хусусиятлари инобатга олиниб, якуний баҳолашни ўтказиш ва якуний назорат қилиш тартиби тўғрисида янги йўриқнома ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатга биноан талабага ўз билимига қўйилган баҳо, ўқитувчи учун эса талаба билимини адолатли баҳоланганини тасдиқлаш имкони яратилди.

Айни вақтда замонавий ахборот технологиялари ва дастурлар асосида талабалар билимини баҳолаш натижаларининг мониторинги олиб борилади. Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш мезонлари кафедралар томонидан ишлаб чиқилиб, тегишли илмий-услубий кенгашда тасдиқланади.

Сиртқи бўлим талабалари билимини баҳолашнинг ўзига хос усуллари ҳам бу йўриқномада ўз ифодасини топди.

## ОЧИҚ МАЪРУЗАЛАР КУНЛАРИ

**МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ОЧИҚ МАЪРУЗАЛАР КУНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ БУЙРУҒИ БИЛАН УЮШТИРИЛАЁТГАН БУНДАЙ ТАДБИР ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ ТОМОНИДАН ҲАМ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Олий ўқув юрти етакчи профессор-ўқитувчилари иштирокида амалга оширилаётган бундай маърузалар ирригация, мелиорация ва сув хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар, аспирантлар ва магистрлар учун махсус тайёрланди. Электротехнология, картография, гидрология ва гидрогеология, геодезия ва ер кадастри каби йўналишлардаги маърузалар ҳам тингланади. Тингловчилар сув хўжалигини бошқариш ва унинг иқтисодиётига оид маърузалардан ҳам баҳраманд бўладилар.

## ИНСТИТУТНИНГ «МУНОЗАРА КЛУБИ»

**ТАЛАБА -ЁШЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛДА ОРОМГОҲЛАРДА ДАМ ОЛИШЛАРИНИ НАМУНАЛИ УЮШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ КЎРИЛМОҚДА. БУНДАЙ ҚУЛАЙЛИКЛАР БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИНИНГ БАҲАВО ВА СЎЛИМ ГЎШАСИДА ЖОЙЛАШГАН «ҲИСОРАК» ОРОМГОҲИДА ҲАМ ЯРАТИЛАДИ.**

Тошкент Автомобиль ва йўллар институти ректорати ва касаба уюшмаси саъй-ҳаракати билан бу йил оромгоҳда маънавий-ахлоқий тарбия ишлари ҳам кенг йўлга қўйилади. Бунинг учун «Мунозара клуби» ташкил этилади.

Шу мақсадда қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Маданий, ўқув ва экологик сайрлар ташкил этиш, ноанъанавий мулоқотлар ўтказиш, тунги дам олишлар чоғида «Мунозара гулханлар» уюштириш кўзда тутилди.

Оромгоҳда «Мусаффо осмон, мусаффо ҳаёт, мусаффо фикр» деган мавзуда экологик тадбирлар ташкил этилади.

**Акбар АЛИЕВ**

*Мусобақалар*

## ФАОЛЛИК КЎРСАТИШДИ

**КУНИ КЕЧА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ҲАМЗА ТУМАН БЎЛИМИ КЕНГАШИ, ТУМАН «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ ВА ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ҲАМКОРЛИГИДА МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ҲАМЗА ТУМАНИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ 7 ЁШДАН 14 ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАР ЎРТАСИДА «ДУНЁ — БОЛАЛАР НИГОҲИДА» ДЕБ НОМЛАНГАН РАСМ ЧИЗИШ АКЦИЯСИ ВА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Унда 200 нафардан ортиқ ёшлар, «Камолот» ЁИҲ, туман халқ таълими бўлими ходимлари иштирок этдилар.

Тадбир давомида ёшлар турли маҳаллаларда истиқомат қилишларига қарамасдан биргаликда ҳар хил спорт ўйинлари бўйича баҳс юритдилар. Бундан ташқари нафақат спорт ўйинлари, балки «Камолот» ЁИҲ фаоллари томонидан берилган турли бошқотирмаларни ечишда ҳамда дунёни ўз нигоҳлари билан тасвирлашда чизган расмлари билан фақатгина болаларда эмас, балки ота-оналарда ҳам катта таассурот қолдирдилар. Тадбирда фаол иштирок этиб жуда кўп дўстлар орттирдилар. Мусобақаларда ғолиб бўлган иштирокчиларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тадбир якунида иштирокчиларга истироҳат боғида аттракционларда маданий ҳордиқ чиқаришлари учун бепул чипталар ҳам тақдим этилди.

Тадбирнинг юқори савияда ўтганлигини кун давомида болаларни юқори кайфият тарк этмаганлиги, мусобақа ва акцияларда фаол қатнашганлигидан ҳам билиш мумкин бўлди.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Пойтахтимиз меҳмонлари*

## ҲАМКОРЛИКНИНГ НАВБАТДАГИ МЕВАСИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ КАТТА АКАДЕМИК ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИ ЖАМОАСИ БИЛАН КЎП ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАН ГЕРМАНИЯЛИК МАШҲУР ДИРИЖЁР ПЬЕР ДОМЕНИК ПАНЕЛЛИ ЯНА БИР БОР ШАҲРИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРДИ.**



У ўзининг Тошкентдаги ўн биринчи спектаклини намойиш этиш арафасида. Эртага театр саҳнасида жаҳон дурдоналаридан саналмиш Шарль Гунонинг «Фауст» операсига дирижёрлик қилади.

Бир қанча Шарқ ва Ғарб мамлакатлари шаҳарларида қатор нуфузли опера театрлари ҳамда симфоник оркестрларига дирижёрлик қилиб, ўз санъатини гастроллари орқали намойиш этиб келаётган П.Панелли номи бугунги кунда кўпчиликка таниш.

Бу дирижёр ўзининг кенг дунёқараши, кучли хотираси ва ўзига хос дирижёрлик мактаби билан бошқа шу соҳа санъаткорларидан ажралиб туради. Панелли австриялик буюк дирижёрлар Герберт Фон Караян ва Отмар Свитнерлар қўлида таҳсил олган ва ўз меҳнат фаолиятини Р.Штраус номидаги консерватория студиясида ва Мюньхендаги олий мусиқа мактабида бошлаган. Нуфузли бўлган Страсбург, Дрезден, Монте Карло симфоник оркестрларига ва қатор халқаро фестивалларга таклиф этилган. Охирги концертлари Дюссельдорф ва Ереванда бўлиб ўтди. У ерда А.Хачатурян концерти, И.Брамс ва В.А.Моцарт симфонияларига дирижёрлик қилди.

Гастроллардан ташқари вақтларида Панелли композиция билан ҳам шуғулланади. У бир қанча кинофильмлар мусиқасининг муаллифи бўлиб, охирги торли квартет учун ёзган мусиқаси Одессада бўлиб ўтган нуфузли халқаро замонавий мусиқа фестивалида илк бор ижро этилиб катта муваффақият қозонди.

Дарвоқе, ушбу квартет Тошкентдаги Германия элчихонасида 14 июнь куни ижро этилиши кутилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида Алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театрида П.Панелли «Евгений Онегин», «Бал-маскарад», «Аида», «Риголетто», «Кармен» каби операларига дирижёрлик қилган.

Гёте шеърий достони асосида ёзилган Ш.Гунонинг «Фауст» операси ўзининг чуқур фалсафий ғояси, ҳамма замон учун ҳам долзарб аҳамияти ва гўзал мусиқаси билан Панеллининг бу сафарги репертуар танланишига сабаб бўлди.

Ҳаққоний ҳаётий воқеалар операда ўзининг тўлиқ аксини топганлиги, шеърий матн эса мусиқа билан моҳирона уйғунлашиши ва мусиқий тилнинг табиий ифода этилиши ва ниҳоят опера ривожидаги мантиқий яхлит драматургия Ш.Гунонинг композиторлик фаолиятидаги энг юқори ижод намунаси эканлигига амин бўлиш мумкин. Шунинг учун ҳам «Фауст» жуда тез ва кенг доирада машҳурлик қозонди.

Албатта, спектакль муваффақиятида уни муносиб намойиш этиш учун моҳир ижрочиларнинг аҳамияти беқиёсдир. Ф. Сафаров режиссёрлиги остида намойиш қилиниши кутилаётган ушбу опера солистлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Г.Азизова, халқаро танловлар совриндорлари Н.Султонов, К.Борчанинов ва О.Александровалар ҳозирда катта тайёргарлик олиб бориб, ўз зиммаларига улкан масъулиятни олганлар.

Дирижёр П.Панелли ушбу артистлар ҳақида кўп ижобий фикрлар билдириб, улар билан дўстона ижодий ҳамкорликда ишламоқда.

Кўринишдан жуда оддий ва камтар бу санъаткор барчага баробар самимий муносабати билан театр жамоасининг чуқур ҳурматини қозонди. Юксак дид ва маҳорат эгаси П.Панелли билан ҳамкорликдаги спектакллар намойиши, шубҳасиз, маданий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига ва санъатимиз мавқеининг кўтарилишига улкан ҳиссасини қўшмоқда.

П.Панеллининг ижодий фаолиятига зафарлар тилаб, барча опера ихлосмандларини спектаклга таклиф этамиз.

**Саодат ЖЎРАБЕКОВА, Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси**

## Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**АВВАЛО ОТА ҲАҚИДА**

Ҳар бир фарзанд ўз отасини ниҳоятда ҳурмат қилиши, унга ҳамиша таъзимда бўлиши, отанинг ҳақ-ҳуқуқини жойига қўйиши, ота олдида бўлса ҳам, узоқда бўлса ҳам юқорида айтилган вазифаларни адо қилиши лозим. Бу эса ҳар бир фарзандниг отага қалбан холис эканлигини, муҳаббатли ва садоқатли эканлигини кўрсатади. Чунки ҳар бир ота фарзандниг вужудга келиши учун сабабчи бўлган зотдир ва ҳар бир фарзандниг дунёда яшаб юришини вужудга келтирган инсондир.

Ҳар бир фарзандга қоронғу эмаски, ота уни меҳр билан парвариш қилади, ҳол-аҳволидан ҳамиша хабардор бўлиб сарф этади, ичиши, ейиши, кийиниши, таълим олиши ва бошқа зарур нарсалари учун ишлатади. Чунки фарзанд ҳали ёш бўлиб, бу нарсаларни амалга оширишга ва маишат учун зарур нарсаларни топишга қудрати етмайди.

Ақлли ва зийрак бола ўз отасининг бошқа одамларга нисбатан ўзи учун нақадар шафқатли, меҳрибон ва раҳмдил эканини дарҳол пайқаб олади.

Ота-она ўз фарзандини бошқа фарзандлар сингари бахтиёр бўлишини, яшашда, ҳаёт кечиришда, юриш-туришда қийинчилик тортмаслигини ва оғирчилик кўрмасликни хоҳлайди. Шунга жавобан фарзанд ҳам отасига нисбатан холисона муҳаббатда бўлиши, эҳтиром қилиши, насиҳатларини, васиятларини ота ҳозир бўлганда ҳам, узоқда бўлганда ҳам эсидан чиқармаслиги шартдир.

Агар фарзанд юқорида зикр этилган шартларни жойига қўйса, ота олдида унинг обрўйи оша боради, муҳаббати эса ота қалбидан жой олади. Бошқа кишилар ҳам шу фарзанд ота-онасини рози қилаётганлигини кўргани учун уни ҳурмат қилиб, яхши кўриб қоладилар. Шундай қилиб у барча яхшиликларга муяссар бўлади.

Шундай қилиб, ота ўз фарзандининг ўзига нисбатан эҳтироми, муҳаббати юксак эканини кўргач, ўзи ҳам уни қаттиқ севиб қолади. Куни келиб, бу фарзанд катта бўлгач, ўзи ҳам фарзандларининг отасига айлангач, ўзи ота-онасига қандай муомала қилган бўлса, фарзандлари ҳам унга шундай муомала қиладилар. Бу ҳикмат жуда кўп хабарлар, ҳикоялар, тажрибалар билан ҳаётда синалган ва исботланган.

**ҲИКМАТЛАР**

Ҳар бир инсон уч нарсага уч кўз билан назар солиши лозим: одамларга такаббурлик кўзи билан эмас, камтарлик кўзи билан, ҳалолдан бойиган кишиларга ҳасад кўзи билан эмас, ибрат кўзи билан, хотин-қизларга шаҳват кўзи билан эмас, шафқат кўзи билан.

Нодон одам кишининг қадрини билмаса, бунинг ажабланари жойи йўқ.

Фойда бермайдиган ишни қилма, хотинингни чиройи билан керилма, пулинг кўп бўлса-да, унга ишонма.

Нафсинг истагига рози бўлмасанг уни енгасан, бўлмаса у сени енгади.

**ОНА ҲАҚИДА**

Она шундай зотки, у ўзидаги битмас-туганмас меҳр-шафқат туфайли фарзанд учун чекилган бу машаққатлардан хавф бўлиши ўрнига, аксинча, ўзини бахтиёр ҳис этади.

Айниқса, фарзанднинг эмизикли айёмида онанинг ширин уйқусидан кечиб, бедорлик дардини тортган онларини бир тасаввур қилиб кўр! Ҳали тили чиқмаган чақалоқнинг истагини тушуниш, йиғисини англаш учун ўртанган ҳолатларини кўз олдингга келтир.

Она фарзанд учун чекадиган машаққатларидан қолгани эса ҳар куни фарзандини ифлос ва чиркинликдан тозалаши, ўзининг барча зарур ишларини йиғиштириб қўйиб ҳамиша фарзанд билан банд бўлиши, либосини ювиб-тозалаши, ямаши ва тикиши, иссиқ ва совуқдан асраши, ҳар бир азият чекувчи нарсалардан эҳтиёт қилиши, фарзанд касал бўлиб қолса фақат жисмонан эмас, руҳан изтиробга тушиши, кечалари уҳламай, алам ва оғриқ азобида ётган фарзанди устидан кўз ёшларини оқизиб ўтириши, буларнинг ҳаммаси онага хосдир.

Ҳар бир фарзанд онанинг ана шу яхшиликлари эвазига қўлидан келган барча яхшиликлари билан жавоб бериши лозим. Шунда ҳам фарзанд она қилган минглаб яхшиликларининг бирортасига жавоб беролмаган бўлади. Тўққиз ой фарзандини кўтариб юриш каби оғир меҳнатнинг ўзигагина бир умр қилинган яхшилик ҳам етмайди. Демак, фарзандниг вазифаси онадан қарзини узиш учун ҳар кун, ҳар дақиқада уни рози қилиш, хурсандчилигини амалга оширишдир

Эй фарзанд, қара, агар киши қўлида арзимас юкни бирор соат кўтариб турса қанчалик қийналади. Энди эса, тасаввур қил, агар у шу юкни тўққиз соат кўтариб юрса нима бўлади?! Агар тўққиз кун кўтариб юрса-чи? Шундан хулоса чиқариб олаверки, сенинг онанг тўққиз соат ёки тўққиз кун эмас, тўққиз ой кўтариб юрган. Шундан сўнг эса яна сени қўлида олиб юриб, йигирма бир ой эмизган.

Агар сен эмизикли айёмингда ёки гўдаклик замонангда онанг сен билан қандай ҳаёт кечирганини, ўзингнинг эса осмон билан ернинг фарқини билмайдиган бир чақалоқ бўлганингни билишни истасанг, атрофингдаги оналарга қара, уларнинг қўлларидаги чақалоқларга назар сол, шунда ўз гўдаклигингни ёркин тасаввур қиласан, бундан эса ўзингга яраша хулоса чиқариб оласан.

Ақлли, зийрак, зеҳнли ҳар бир фарзанд онанинг ҳақ-ҳуқуқини жойига қўяди, қўлидан қандай яхши иш келса, онаси учун адо қилади, ризолиги йўлида эса барча имкониятини ишга солади. Ҳеч бир нарсада онанинг жаҳлини чиқармайди, онанинг қувватини етмайдиган нарсаларни талаб қилмайди.

Онанинг шафқатига жафо билан, меҳрибонлиги эвазига ҳафа қилиш билан жавоб қайтарувчи фарзанд нақадар разил фарзанд! Она айтганларига қулоқ солмайдиган, буюрганининг аксини қиладиган, ҳар бир ишда онанинг жиғига тегадиган фарзандни ота ёмон кўришидан ташқари, одамлар ҳам ёмон кўриши шубҳасиздир.

Ҳар бир фарзанд она насиҳатларини жон қулоғи билан эшитиши, тўғри йўлга тарғиб этса қаршилик қилмаслиги, ота ёки бировни бирор ишга буюрганда шу буюрилган ишда хатолик борлигини билса ҳам юрагини тор қилиб, қаттиқ гапирмаслиги, куйиб туриб, бу ишда хатолик борлигини юмшоқлик билан исбот қилиб, уларни кўндириши лозим.

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси**

*Ўзбекистон — умумий уйимиз*

# «ТАНО» — ҚУТ - БАРАКА БАЙРАМИ

**ИНСОНГА БЕРИЛГАН ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ ҲАЁТ БЎЛСА, ИНСОНИЯТ ИНТИЛИБ КЕЛАЁТГАН ЭНГ УЛУҒ МАҚСАДЛАР ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДИР. ИСТИҚЛОЛГА ЭРИШГАН ВАТАНИМИЗДА ҲУКМ СУРИБ КЕЛАЁТГАН ТИНЧЛИК, ТОТУВЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИДИР.**

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг», деган пурмаъно ўгитларига амал қилган ҳолда бугунги кунда диёримизда 130 дан ортиқ турли миллат ва элатлар бир оила фарзандларидек тинч-тотув яшаб келмоқдалар.

Ушбу фикрларимиз исботи тариқасида куни кеча Сергели тумани ҳокимлиги боғида бўлиб ўтган катта тантана—корейс халқининг миллий «Тано» байрамининг кенг нишонланганини таъкидлашимиз мумкин. Шаҳримизнинг ўн битта тумани ва республикамиз вилоятларида яшовчи корейс миллатига мансуб аҳоли ташриф буюрган ушбу тадбирда куй-қўшиққа уланиб дўстлик, биродарлик, ҳамкору ҳамфикрлик тараннум этилди.

—«Тано» байрами халқимиз томонидан жуда қадимдан, бундан 3000-4000 йиллар аввалдан буён нишонланиб келадиган миллий, она табиатдан хайру саховат, мўл-кўлчилик, барака сўраб нишонланадиган катта байрамдир,—дейди биз билан суҳбатда. Корейс миллий-маданий марказининг Сергели туман бўлими раиси Лян Эльдорадо. — Катта-кичикка бирдай маъқул келадиган ушбу байрамда халқимиз ҳаёти, урф-одат ва анъаналари акс эттирилган миллий кўргазмалар, спорт мусобақалари, сайиллар ўтказилади. Фурсатдан фойдаланиб бизнинг марказимизга яқиндан ёрдам бериб келаётган Сергели туман ҳокимлигига катта миннатдорчилигимизни билдирмоқчиман.

—Ушбу байрамни фақат корейс халқининг байрами десак янглишган бўламиз,— дейди, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси консули Ким Пак Чун.—Чунки «Ўзбекистон—умумий уйимиз» шиори остида ўтаётган ушбу тадбирда турли миллат вакиллари бирга ўйнаб, бирга рақсга тушмоқдалар. Очиқ чеҳра, шоду хуррамлик билан бир-бирларининг қувончларига шерик бўлмоқдалар. Катта-ю кичик она-табиатдан элу-юртимизга тўкинчилик, дастурхонларимизга барака тиламоқда. Демак бир оиладек яшаётган халқимизнинг байрамлари ҳам бир, тинчлик-тотувликка хизмат қилади. Ўзбекистон диёрини бекорга жаннатларга қиёслаб, меҳр-оқибатли халқи ҳақида қасидалар ёзишмас экан. Меҳмондўст, очиққўнгил халқингизга, озод ва ҳур диёрингизга барча ҳавас қилса ярашади.

Айтиб ўтиш жоизки, ушбу тадбирда республика ва шаҳар миллий-маданий марказларининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари ҳам иштирок этиб, ўзларининг шўх ва қувноқ куй - қўшиқлари билан барчани хушнуд этишди.

—Корейс миллий-маданий маркази бадиий жамоаси ҳам бизнинг байрамларимизда ҳамиша иштирок этишади,—дейди Рус миллий-маданий марказининг «Аленушка» бадиий-ҳаваскорлик жамоаси қатнашчиси Мария Еганова.—Чунки бир-биримиздан ҳар қандай кунда хабардормиз. Яхши-ёмон кунда бирга бўлган дўстлар эса ҳеч қачон ёлғиз қолмайдилар.

Тадбир давомида қатнашчилар боғда сайр қилиб, дўстлар билан дилдан суҳбат қурдилар. Мусобақа ғолибларига чиройли эсдалик совғалари топширилди.

—Юртимиз тинч, хонадонларимиз ҳамиша обод бўлсин,—дейди тадбир иштирокчиларидан бири Марина Владимирова.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

# ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ «ОЛТИН БЕШИГИ»

**ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ БИЛАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. БУНИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ ДАСТУРЛАРИДА «ОЛТИН МЕРОС», «ОҲАНГРАБО», «ВАТАН ТУЙҒУСИ», «АЙТИШУВ», «ЯХШИЛИК» КАБИ КЎРСАТУВЛАР СОНИ ОРТИБ БОРАЁТГАНИДАН ҲАМ БИЛИШ МУМКИН.**

Телерадиокомпания раҳбарияти кўрсатувлар интернет орқали эндиликда бутун жаҳонга тарқалаётганини эътиборга олиб миллий ўзига хослигимизни, гўзал маданиятимиз ва санъатимизни улуғловчи кўрсатувлар сонини янада орттиришга эътибор қаратмоқда.

Дастлабки уч сони эфирга узатилганига қарамай томошабинлар эътиборига тушган «Олтин бешик» кўрсатуви ҳам шулар жумласидандир.

— Кўрсатувни «Олтин бешик» деб аташдан мақсад дарҳақиқат миллатимизнинг макони, миллий маданиятимиз ва санъатимиз, қадриятларимиз бешиги бўлган она Ўзбекистонни тараннум этишдир, — дейди журналист ва бошловчи Озода Бекмуродова. — Дастлабки мавзуимизни аллага бағишлаган бўлсак, кейинги кўрсатувларимиз адабиётимиз, фольклоримиз, санъатимизда «оқ илон», олма рамзлари, образларига бағишланди. Режиссёр Йўлдошали Баҳромов ва бошқа ҳамкасблар билан ҳамкорликда томошабинларнинг фикр-мулоҳазалари асосида кўрсатувни бойитишга интилаяпмиз. Шу ўринда кўрсатувни ташкил этишда унинг ғоясини бойитиш ва саҳна безакларини миллий услубда жилолашда катта кўмак бераётган «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси кўмагини алоҳида таъкидлаш керак.

Бу галги кўрсатув эса Шарқ, жумладан ўзбек адабиёти ва санъатидаги энг кўп ишланган ва бениҳоя гўзал образ — сумбул соч талқинига бағишланди. Телекўрсатувда ҳар галгидек шоир ва ёзувчилар, тилшунос, фольклоршунос олимлар, таниқли хонандалар, бахшилар, лапар ва ялла ижрочилари, турли касб эгалари бўлган кексаю ёш томошабинларнинг иштирок этиши унинг қизиқарли бўлишини таъминлайди, деб ишонамиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Билиб қўйган яхши*

# ҚОРА СМОРОДИНАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

**МАЛИНА ВА ҚОРА СМОРОДИНА МЕВАЛАРИ АҲОЛИ ЎРТАСИДА КЕНГ ОММАЛАШИБ КЕТГАН ШИФОБАХШ РЕЗАВОРЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ. АЙНИҚСА ҚОРА СМОРОДИНАНИНГ МЕВАСИЮ, БАРГ ВА КУРТАКЛАРИ ШИФОБАХШЛИГИ БИЛАН ШУҲРАТ ҚОЗОНГАН.**

Қора смородина барглари августсентябрь ойларида, мевасининг пишиб етилишига қараб йиғиб олинади. Смородина барглари мевасини йиғиб олинганидан кейин дарахт шохларининг ўрталаридан узиб олиб йиғилади. Чунки ёш барглари узиш билан дарахтга зиён етказиш мумкин. Қари барглар эса дорилик учун ярамайди.

Смородина меваларида С, Я, Р витаминлари ҳамда каротин, қант моддалари – асосан глюкоза ва фруктозалар, органик кислоталар (лимон ва олма кислоталари) бўлади. Шунингдек, улар таркибида оқсиллар, пектинли ва дубилли моддалар, антоциан моддалар (цианидин ва делфинидин), гликозидлар, эфир мойлари ҳамда натрий, калий, кальций, магний, фосфат ва темирли минераллар мавжуд.

Смородина тер ҳайдаш, пешоб ҳайдаш, ични қотириш каби хусусиятларга эга. Унинг барглари, куртаклари ва мевалари эфир мойлари билан боғлиқ равишда дезинфекциялаш кучига эга. Барглари эрта баҳорда витаминлар манбаи хизматини ўташи мумкин. Куртакларидан эса ҳатто қишда ҳам дезинфекциялаш омили ва витамин сифатида фойдаланишади.

Смородинанинг янги ва қуритилган меваси ошқозон-ичак хасталиклари (ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси, меъда сустлиги асосидаги гастрит ва ҳ.к.)да, юрак фаолияти ритми бузилганда тавсия этилади.

Қора смородина цинга (милк касаллиги)нинг олдини олиш ва уни даволашда ҳам қўлланилади. Смородинанинг 15-20 грамми инсоннинг бир кеча-кундуздаги С витаминига бўлган эҳтиёжини қоплайди. Унинг барглари дамламаси болаларнинг рахит ва диатез касалликларида ванна учун қўлланилади.

Смородинадан дорилар тайёрлаш ва уларни қўллаш усуллари:

1. 1-2 чой қошиқни тўлдириб олинган қора смородина барглари устига чорак литр совуқ сув қуйиб, қайнаб чиққунча аста-секин қиздирилади ва шу заҳотиёқ докадан ўтказилади. Баданнинг шишиши, пешоб тутилиб қолиши ва бод касалликларида кунига 2-3 пиёладан ичилади.

2. Ич кетишида смородинанинг янги меваси шарбатини кунига 50 граммдан уч маҳал ичилади.

*Футбол*

# ШОВ-ШУВЛИ НАТИЖАЛАР

**ЎТГАН УЧ КУН ДАВОМИДА БУТУН КУРРАИ ЗАМИНДАГИ ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИНИНГ НИГОҲИ ГЕРМАНИЯДА БЎЛДИ. ЗЕРО, XVIII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ ОЧИЛИШИ ВА ДАСТЛАБКИ ЎЙИНЛАР МУХЛИСЛАР УЧУН ТОМ МАЪНОДА ҲАҚИҚИЙ ФУТБОЛ БАЙРАМИГА АЙЛАНИБ КЕТДИ.**

Айниқса чемпионатнинг очилиш маросими жуда қизиқарли ва эсда қоларли тарзда ўтди. Тантаналарни ФИФА президенти Зеп Блаттер ҳамда чемпионатни ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси Франц Беккенбауэр билан бирга майдонга чиқиб келган Германия Президенти Хорст Кёлер очар экан, оламшумул турнирнинг юқори даражада ташкил этилишига кўмаклашган Халқаро футбол федерацияси, тайёргарлик жараёнида қатнашган барча ташкилотларга миннатдорчилик билдирди, чарм тўп усталарининг эса сермаҳсул ва ҳалол ўйин кўрсатишларига тилак билдирди. Ташкил этилган ўзига хос театрлаштирилган томошалар ҳам очилиш тадбирига ўзига хос файз бағишлади.

Турнир очилишидан сўнг Мюнхендаги стадионга майдон эгалари — германиялик футболчилар ҳамда Коста-Рика терма жамоаси тушди. Таъкидлаш жоизки, аксарият жаҳон чемпионатларининг дастлабки ўйинларида жамоалар кучли ҳаяжон остида эҳтиёткорона ўйин кўрсатишлари натижасида ҳисоб очилмасдан қоларди. Шу сабабдан ҳам мухлису мутахассислар мазкур баҳсни катта қизиқиш билан томоша қилишди. Айтиш жоизки, германияликлар таркибида энг етакчи ўйинчи Михаэл Баллак жароҳатланганлиги туфайли майдонга тушмаган бўлса-да, шу куни 28 ёшга тўлган ҳужумчи Мирослав Клозе ўзининг бутун маҳоратини кўрсатди. Ҳисобни эса чап қанотдан туриб кучли зарба билан тўпни дарвозанинг ўнг тўққизлик бурчагига жойлаштирган Филипп Лан очди ва чемпионатнинг илк голини киритди.

Германия уч карра жоҳон чемпиони, Коста-Рика эса атиги учинчи бор шундай нуфузли турнирда иштирок этаётганига қарамай рақиблар ҳам майдон эгаларига бўш келишмади. 12-дақиқада Паоло Ванчопе 2 ҳимоячи қуршовида бўлишига қарамасдан марказдан туриб аниқ зарба бергани ҳолда ҳисобни тенглаштирди —1:1.

17-дақиқада Мирослав Клозе рақиб ҳимоячиларининг кўпол хатосидан фойдаланиб ҳисобни оширди.

Иккинчи бўлимда Клозе ўзининг иккинчи тўпини киритганидан сўнг рақиблар фаоллашишди. Орадан кўп ўтмай Ванчопе оширган тўпни Торстен Фриш тўрга туширганидан сўнг Коста-рикаликларда дуранг натижага эришиш имконияти туғилди. Бироқ ўйин охирларида киритилган тўп немисларга 4:2 ҳисобидаги ғалабани келтирди. Ушбу ўйин германияликлар ҳимоясининг унчалик мустаҳкам эмаслиги, метин асабли Оливер Канни алмаштирган дарвозабон Леманнинг ҳам хатолар билан ўйнашини кўрсатди.

Польша—Эквадор термалари ўртасида ўтказилган иккинчи ўйин чемпионатнинг дастлабки шов-шувли натижасини юзага келтирди. Жаҳон чемпионатларининг икки карра бронза нишони соҳиблари бўлмиш польшаликларнинг ҳимояда ҳам, ҳужумда ҳам заиф ўйин кўрсатишларидан унумли фойдаланган рақиблари ҳар иккала бўлимда биттадан тўп киритиб, 2:0 ҳисобида кутилмаган ғалабага эришишди.

Мухлислар жаҳон чемпионлигига асосий даъвогарлардан бири ҳисобланмиш англиялик футболчилардан ҳам кўп нарсани кутишганди. Улар Парагвай билан ўйинни ҳужумкор руҳда бошлашди. 4-дақиқада Д.Бекҳэм тепган жарима тўпини беихтиёр рақиблар сардори Карлос Гамарра ўз дарвозасига киритганида учрашувда кўплаб тўплар киритиладигандек туюлганди. Бироқ майдонда Уэйн Руниниг йўқлиги яққол сезилди. Майкл Оуэн унинг ўрнини босолмади. Ҳар иккала жамоа анчайин нурсиз ўйин кўрсатганлиги сабабли ҳисоб бошқа ўзгармади ва Англия кичик ҳисобда ғалаба қозонди.

Аргентина — Кот д' Ивуар баҳси ҳам ниҳоятда қизиқарли кечди. Африкалик футболчиларнинг аксарияти етакчи Европа жамоаларида тўп суриши сабабли улар кучли рақибларига ҳеч ҳам бўш келишмади. Шундай бўлса-да 24 ва 35 дақиқаларда Креспо ва Савиола киритган тўплар ҳисобига биринчи бўлимда аргентиналикларнинг қўли 2:0 ҳисобида баланд келди.

82-дақиқада Кот д'ивуарликларнинг энг моҳир ҳужумчиси Дидье Драгба битта жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлди.

Голландия—Сербия ва Черногория ўйинида 18-дақиқада голландияликлар ҳужумчиси Ари Рабин дарвозабон билан яккама-якка чиққан ҳолда киритган ягона тўп учрашув тақдирини ҳал қилди —1:0.

Мексика ва Эрон терма жамоаларининг учрашуви ҳам сермаҳсул кечди. Биринчи бўлим тенг курашлар остида кечиб, Омер Браво (Мексика) ва Яхё Гулмуҳаммадларнинг аниқ зарбаларидан сўнг 1:1 ҳисобида якунланди. Учрашувнинг сўнгги дақиқаларида мексикаликлар суръатни оширишиб, кетма-кет иккита тўп киритишди ва 3:1 ҳисобидаги ғалабага эришишди.

Бугун Италия — Гана, АҚШ— Чехия, Австралия–Япония термалари ўзаро куч синашишади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

*Мунажжим башорати*

# ОЗОДАЛИК, УЙҒУНЛИКНИ АСРАНГ

**13 ИЮНЬ, СЕШАНБА**

**МУНАЖЖИМЛАР ТАЪКИДИГА КЎРА, БУГУН ҲАММА ЕРДА ОЗОДАЛИККА, МАВЖУД УЙҒУНЛИКНИ АСРАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ КЕРАК. ЗЕРО, БУГУНГИ КУН ЖУДА ПОК, САЛОҲИЯТЛИ ВА ТЎҒРИЛИК КУНИ, ЁЛҒОНЧИ ВА АЛДОҚЧИЛАРДАН ОМАД ЮЗ ЎГИРАДИГАН КУН. БУГУН ҚАРЗЛАРИНГИЗДАН ҲАМ УЗИЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ.**

Тез ривож топадиган ишлар учун, айниқса уларни бошлаб юбориш учун ғоят қулай бўлади бугун. Деҳқончилик, кўчмас мулк ва қурилиш ашёлари билан боғлиқ барча ишлар хайрли кечади. Бошлиқлар ва дўстларингиз билан учрашувларни бошқа вақтга қолдириб турганингиз маъқул.

Ижодий касб кишилари - созандалар, актёрлар, рассомлар ва адиблар учун ҳам бугунги кун ғоят унумли бўлиши кутилади. Агар имконини тополсангиз, табиат қўйнида бўлинг, ўрмонларда сайр қилинг, ўт-ўланлар устида ётиб, ҳордиқ чиқаринг. Кечқурун севган кишингиз ёки яқин дўстларингиз даврасида бўлиб, кундалик ғам-ташвишларни унутишга ҳаракат қилинг.

Асаб тизими бугун заифлашган ҳолатда бўлади. Оёқларингизни эҳтиёт қилинг.

Кийимларнинг ҳар қандай ёркин ранглилари бугун омадли бўлади. Кўк-ҳаворанг либосларга устуворлик бериш тавсия этилади. Қора, сариқ ва жигарранг тусли кийимлардан бугунча воз кечганингиз мақсадга мувофиқ.



— Бири катта, бири кичкина бўлгани билан оғирлиги бир хил.

**Абдурасул Ҳакимов чизган расм.**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 212-хона.

Тошкент шаҳар Охунбобоев номидаги тиббиёт коллежи томонидан 1997 йилда Джуманиязова Дилором Балтабаевна номига берилган №211956 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-806

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.